

Qishloq hayoti

2012 йили Мустақкам оила ўли

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 23-AVGUST, PAYSHANBA, 98 (8023) - SON 1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

ЯНГИ САЙЁРАГА «МАЙДАНАК»

НОМИ БЕРИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институтига қувончли хабар келди: яқинда япониялик олимлар томонидан очилган кичик сайёра – 22948-астероидга Халқаро астрономия иттифоқи томонидан «Майданак» номи берилди.



Гарвард кичик сайёралар маркази циркулярда чоп этилган хабарда Майданак – Ўзбекистонда жойлашган жаҳон миқёсидаги астрономик обсерватория экани ҳақида маълумот берилган. Мамлакатимиз астрономия фани ютуқларининг дунё миқёсида тан олинганлигидан далолат берувчи ушбу воқеа халқимиз учун энг буюк, энг азиз бўлган мустақиллик байрамига яна бир ажойиб тўхта бўлди.

«Майданак» астероиди Куёш тизими кичик сайёралари орасида номи Ўзбекистон билан боғлиқ еттинчи сайёра бўлди. Чет эллик астрономлар томонидан турли даврларда очилган кичик сайёралардан бештасига «Ўзбекистания», «Авиценна», «Улугбек», «Беруний» ва «Хоразмий» деб юртимиз ва жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган отабобларимизнинг буюк номлари берилган. Яна бир сайёра бизнинг олимларимиз томонидан 2009 йилда «Майданак» обсерваториясида очилган. Президентимиз Ислоҳ Каримов тақлифига кўра, унга буюк мутафакир Мирзо Улугбек даврида жаҳон астрономиясининг маркази бўлган шаҳар – «Самарқанд» номи берилган.

Қашқадарё Вилояти



Мамлакатимизда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, уларда яшовчи аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Қарши туманидаги Мирмирон маҳалла фуқаролар йиғинида намунавий лойиҳада 240 уй-жой қад ростлади ва айни пайтда яна элликта ана шундай замонавий турар жой қурилмоқда. Замонавийлик, қулайлик ҳамда миллий

турмуш тарзи талабларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур уй-жойларга кўчиб ўтган аҳоли яратилган имкониятдан беҳад мамнун.

Алишер Аҳмедов — улардан бири. А.Аҳмедовнинг касби — инженер-механик, аёли Нилуфар Алиқулова —

бошланғич синф ўқитувчиси. Оилада уч фарзанд вояга етмоқда.

— Бундай кўркам уйни қуриш озмунча вақт, маблағ ва бошқа овораларчиликларни талаб этмайди, — дейди А.Аҳмедов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар фаровон турмуш кечиршимиз учун хизмат қилаётир. Фарзандларимиз ҳам ҳар томонлама қулай шароитда ўсиб улғаймоқда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

БРИТАНИЯНИНГ НУФУЗЛИ «ЭКОНОМИСТ» ЖУРНАЛИ БЎЛИНМАСИ – ECONOMIST INTELLIGENCE UNIT (EIU) КОМПАНИЯСИ РЕЙТИНГИГА КЎРА, ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЯШАШ ҚУЛАЙ БЎЛГАН ШАҲАРЛАРИ ОРАСИДА 58-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтингни имкон қадар холис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди – танловнинг энг яхши мезонлари конкурсини эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди.

Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби аънанавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, худудларнинг тавсиф-

лари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга

сазоворки, танловда Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар – Тошкент иштирок этди.

Ўзбекистон пойтахти дунёнинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингига 140 шаҳар орасида юқори 58-ўридан жой олиб, жаҳон таснифидаги яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади.

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди. Бу мезон бўйича асосан Европа ва Ши-



молий Америкада жойлашган 36 шаҳар бизнинг пойтахтимизга қараганда юқорироқ ўринни эгаллади, холос.

Дунё рейтингига соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб,

ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

МАВСУМ ОСТОНАСИДАГИ МУҲИМ ТАДБИР

Бугун гўза парваришини олиб бораётган, ҳосилни янада кўпайтириш чораларини кўраётган пахтакорлар, айна вақтда ҳосилни йиғиштириб олишга ҳам тайёргарлик кўраётир. Ана шундай тадбирлардан бири — дефолиациядир. Уни мавсум олдидаги энг муҳим тадбир, деб аташ мумкин.

Бу тадбир далани дефолиацияга тайёрлашдан бошланади. Аввал дала четлари, сўғориш ариқлари ва ўқариқлар ҳамда айланаш майдончалари сифатли текисланади. Дала атрофи 8-12 метр кенликда десикация қилинади. Ана шунда ОВХ агрегатлари бир маромда ишлайди, унум ва дефолиация сифати ошади.

■ **Ренат НАЗАРОВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

Тупроқ намлигининг дефолиация самарадорлигига таъсири жуда катта. Шу сабабли дефолиация даврида тупроқ намлиги чекланган дала нам сигими (ЧДНС)га нисбатан 60-65 фоиз бўлиши лозим. Агар тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60 фоиздан паст бўлса, ўсимликнинг барги ва танасидаги суюқлик концентрацияси ошади, дефолиантларнинг ўсимликка сингиши сусаяди ва самараси пасаяди. Аксинча, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70 фоиздан ортқ бўлса, ўсимликда концентрация пасайиб кетиб, дефолиантларнинг таъсири камаяди. Ҳар икки ҳолатда ҳам дефолиантлар ўсимликка регулятор сифатида таъсир этиб, иккиламчи ўсишга олиб келади, кўсақларнинг очилиши сусайиб, ҳосил сифати ва салмоғига путур етади. Ута куруқ тупроқли далалар дефолиациядан 10-12 кун олдин енгил сўғорилади.

Ҳаво ҳарорати дефолиантлар самарадорлигини белгилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳар бир дефолиант ўзининг кимёвий хусусияти ва таъсир этиш механизмидан келиб чиқиб, ҳароратга турли даражада талабчан бўлади. Ўсимликка юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар ҳаво ҳарорати ўртача 22-25°C бўлганда яхши самара

ра берса, 22°C дан пасайса, таъсири камаяди.

Гўза дефолиациясининг самарадорлиги мuddат ва мейёри тўғри белгиланган бевосита боғлиқдир. **Дефолиация мuddати** тупроқ-иклим шароитлари, гўза навларининг биологик хусусияти ва етилганлигига қараб танланади. Бунда гўза навларининг биологик хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки турли гўза

конверт усулида 10 м² майдон белгиланади. Ушбу майдонларда ҳақиқий кўчат қалинлиги, ҳар бир тупдаги жами кўсақ сони ва шундан очилган кўсақлар сони аниқлиниб, кўсақларнинг ўртача очилиш даражаси ҳисоблаб чиқарилади. Шунга қараб ушбу дала учун дефолиация мuddати ва мейёри белгиланади. Кўшқатор экилган ва кўчат қалинлиги юқори бўлган майдонларда дефолиантлар микдорини 20-25 фоизга ошириш лозим.

Дефолиантлар мейёрини худуд шароити ва гўза навларининг морфобиологик хусусиятларига кўра табақалашти-

дефолиантини 6,0-7,5 л/га, Супер ХМД-с 6,5-8,5 л/га, ПолиДЕФ 6,0-7,5 л/га мейёрда ва "Бухоро-102", "Бухоро-8", "Бухоро-6", "С-6541", "Жондор Кудрати" гўза навлари экилган пайкаларда ҲЗДЕФ дефолианти 6,5-7,5 л/га, Супер ХМД-с 7,0-9,0 л/га, ПолиДЕФни 6,5-8,0 л/га мейёрда қўллаш мақбул ҳисобланади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Бухоро-102" гўза навларида ҲЗДЕФ дефолианти 6,5-7,5 л/га, Супер ХМД-с 7,0-9,0 л/га, ПолиДЕФ 6,5-8,0 л/га мейёрда ва "Наманган-77", "Султон", "Бешқаҳрамон" гўза навлари экилган майдонларда ҲЗДЕФ дефолианти 6,0-7,5 л/га, Супер ХМД-с 6,5-8,5 л/га, ПолиДЕФ 6,0-7,5 л/га мейёрда қўллаш лозим.

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида "С-6524", "С-6541" ва "Бухоро-102" гўза навларини ҲЗДЕФ дефолианти 6,5-7,5 л/га, Супер ХМД-с 7,0-9,0 л/га, ПолиДЕФ 6,5-8,0 л/га мейёрда

7,5 л/га мейёрда қўллаш мақсада мувофиқ.

Ушбу тадбирни ўтказишга қўйилган муҳим талаблардан бири — сепиладиган эритмани сифатли тайёрлаш. Бунинг учун барча турдаги дефолиантларни ишлатишга мўлжалланган эритма тайёрловчи маркаланган ҳовузлар ёки металл идишлар қурилади. Улар 3 қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда тоза сув идиши туради. Ушбу идиш ёки ҳовуз 4000-5000 литр ҳажмли бўлиб, унда эритма тайёрлаш учун олиб келинган сув бир кеча-кундуз давомида тиндирилади. Иккинчи қисмда эритма ёки кунлик керакли аралашма тайёрланади. Учинчи қисмда эса тайёр бўлган эритма сақланади. Эритма тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, гўзанинг ҳолатига қараб алоҳида бажарилади. Мутахассислар эритма тайёрлашдан олдин сувга қўшилган дефолиант мейёрини ишчиларга аниқлаб беришлари керак. Эритма тайёрланган идишда сув мейёрини кўрсатувчи белгилар бўлиши шарт. Дефолиант сувга қўшилгандан кейин камида бир соат давомида насослар ёрдамида аралаштирилади. Тайёр бўлган ҳовузга насослар ёрдамида тўлиқ тортиб солинади ва вақти-вақти билан аралаштирилиб турилади. Тайёр аралашма автомашина ёки трактор тиркамаларига ўрнатилган цистерналарга солиниб, ОВХ агрегатлари ишлатган далаларга олиб борилади. Тиркама цистерналарида ҳам насос ёки механик аралаштиргич бўлиши лозим, акс ҳолда унинг тубида чўкма ҳосил бўлади.

Гўза дефолиациясини юқоридаги тавсияларга асосан уюшқоқлик ва тезкорлик билан сифатли ўтказиш гўза баргларининг 85-90 фоизи тўқилгани ва кўсақларнинг 90 фоизгача очилишини, энг муҳими, биринчи терим салмоғининг 15-20 фоизга ошишини таъминлайди.

АВГУСТ — ПАХТА ҲОСИЛИНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ ПАЛЛАСИ

навларига дефолиантлар турлича таъсир этади. Уртагишар, барг сатҳи катта ва қалин, сербарг гўза навлари дефолиантларга кам таъсирчан, тезпишар, барг сатҳи кичик ва юкка бўлган гўза навлари таъсирчан бўлади. Шу боис, бундай навларга дефолиантлар мейёрини камайитириш керак. Дефолиация самарадорлигига гўза навларининг биологик етилганлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Урта толали гўза навларида 45-50 фоиз кўсақлар очилганда ўсимлик биологик етилган ҳисобланади. Кўсақларнинг очилиш даражасини аниқлаш учун ҳар бир даланинг камида 3 жойидан диагональ бўйича ёки 5 жойидан

риш, ушбу тадбирнинг самарадорлигини оширади. Жумладан, **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида** экилган "С-4727", "Чимбой-5018", "Меҳнат", "Хоразм-127", "Ибрат", "Хоразм-150", "Омад", "Дўстлик-2" гўза навларида ҲЗДЕФ дефолианти 6,0-7,5 л/га, ПолиДЕФ 6,0-7,5 л/га мейёрда ва "Бухоро-102" гўза нави экилган пайкаларда ҲЗДЕФ дефолианти 6,5-7,5 л/га, Супер ХМД-с 7,0-9,0 л/га, ПолиДЕФ 5,0-8,0 л/га мейёрда қўллаш тавсия этилади.

Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари шароитида парваришланган "Омад", "Ан-Боёвут-2", "Наманган-77", "Султон" нави гўзаларга ҲЗДЕФ

ва "Наманган-77", "Ан-Боёвут-2", "Гулбахор", "Султон", "Омад", "Кўпайсин" гўза навлари экилган майдонларда ҲЗДЕФ дефолианти 6,0-7,5 л/га, Супер ХМД-с 6,5-8,5 л/га, ПолиДЕФ 6,0-7,5 л/га мейёрда қўллаш тавсия қилинади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида экилган "С-6524" гўза навида ҲЗДЕФ дефолианти 6,5-7,5 л/га, Супер ХМД-с 7,0-9,0 л/га, ПолиДЕФ 6,5-8,0 л/га мейёрда ва "Андижон-35", "Андижон-36", "Ан-16", "Наманган-34", "Наманган-77", "Султон", "Омад" гўза навлари экилган майдонларда ҲЗДЕФ дефолианти 6,0-7,5 л/га, Супер ХМД-с 6,5-8,5 л/га, ПолиДЕФ 6,0-

Самарқанд вилояти

ТАЖРИБА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАДИ

Нарпайлик тажрибали фермер Бахтиёр Мустафоев раҳбарлигидаги «Шукуров Азамат» фермер хўжалиги аъзолари 256 гектар ерда деҳқончилик қилади. Жорий йилда етмиш беш гектар майдонга ғалланнинг «Умманка» навини эккан хўжалик аъзолари давлатга шартномадаги 208 тонна ўрнига 243 тонна дон сотишди. Бундан ташқари, 150 тонна буғдоғ хўжаликнинг ўзига қолди. Хўжалик аъзоларига меҳнатига яраша икки-уч тонна дон тарқатилди.

— Ишчилар оиласидан кўнгли тўқ бўлса, далада самарали меҳнат қилади, — дейди фермер. — Шу боис, ўзимизга қолган ғалладан аъзоларимизга меҳнатига қараб тарқатдик. Зиммамиздаги масъулият катта. 175 гектар майдондаги «Бухоро-102» пахта навининг гектаридан 27,5 центнерга етказиб ҳосил кўтаришимиз керак. Шунинг мамнуният билан айтиш керакки, далаларда мўлжалдагидан ҳам кўпроқ ҳосил тўпланган. Далаларимиз туртинчи марта сувдан чиққипти. Ерга чигит қадалгандан бери ишловни сусайтирмадик. Чилпиш вақтида ва сифатли қилинган боис, гўзаларимиз ўтган йилга нисбатан ўн-ун беш кун барвақт ҳосилга кирди.

Ёқилғи-мойлаш ва зарур эҳтиёт қисмлардан танқислик сезмадик. Ўғит даланинг бошига вақтида олиб келиб берилди. Имтиёзли кредитларни вақтида олдик. Солиқ ва банк идоралари билан ишлашдаги енгилликларни айтмайсизми? Бундай имтиёз ва эътиборга фидокорона меҳнат билан жавоб бериш керак.

— Бахтиёр ака камтарлик қилиб техникаларини айтмади, — дейди Нарпай тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Шухрат Қиличев. — Иккита ҳайдов, тўртта чопиқ трактор, кўллаб тиркамалар, олтига юк ташувчи техникаси, «Класс Доминатор» комбайни ва иккита трак-



Иш бошқарувчи Ашиер Жонибеков (чапдан), фермер Бахтиёр Мустафоев, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Шухрат Қиличев.

тори бор. Техника ўзиникилиги боис, ерга ишлов бериш ҳам кўнглидадек. Чигит қадашни ҳам шундай катта майдонда бир ҳафтага етказмай тугаллашининг ўзи бўлмайди. Далаларга етарлича ишлов берилди, вақтида сўғорилди. Шу боис ҳам гўзалари «иш-

лаяпти», мўл ҳосил тўплайпти.

Ҳа, тажрибали фермернинг ишлари барчага ўрнак. Ахир бекорга айтишмайди-да, тажриба ўз сўзини айтди, деб.

Акбар ҚАРШИЕВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

МАҚСАД – ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожланмоқда. Автомобиль сотиб олаётган кишилар сафи кун сайин кенгаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини ошириш, улардан фойдаланиш меъёрларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Автотранспортда йўловчи ва юк ташиш хизматини сифатли ташкил этиш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майда қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори асосида «2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури» тасдиқланган.

Ушбу дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 июлда қабул қилинган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида соҳага доир ягона талаблар белгиланди.

Ҳар бири ўн-йигирма, ҳатто юзлаб бетдан иборат стандартлар талабларини бажариш автомобиль эгаларига катта қийинчиликлар туғдираётган эди, – дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив техник таъминлаш республика маркази бош директори Шербек Эрбеков. – Янги техник регламентга кўра, мамлакатимизда халқаро ва давлатлараро стандартлар тоифасига кирувчи эллик бешта норматив ҳужжатга риоя этилиш мажбурийлиги бекор қилиниб, ихтиёрийлик мақомига ўтказилди. Бу эса автомобилдан фойдаланувчиларга бир қатор энгилликлар беради. Мазкур қарор 2013 йилнинг бошидан кучга киради.

Регламент қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, барча турдаги автотранспорт воситаларини фойдаланганда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний ва юридик шахс-



лар ҳамда давлат мулкани асраб-авайлашни назарда тутади.

Техник регламент асосида тартибга солинадиган объектлар сирасига умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қатнаётган йўловчи, юкларни ташиш ва махсус ишларни бажаришга мўлжалланган транспорт, шатракчи автомобиллар, тиркамалар ва ярымтиркамалар киради.

Регламентни ишлаб чиқишда маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёжлардан ке-

либ чиққан ҳолда халқаро тажриба ҳам чуқур ўрганилди. Зеро, дунёда бу соҳада қарашлар турлича. Улар орасида баъзан қутилмаган талаблар ҳам учраб туради. Масалан, 1977 йилда Швецияда автомобиль чирокларини кундузи ҳам ёқиб юриш қоидаси жорий этилган эди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, кундузи чироқ ёқиб автомобиль бошқариш йўл-транспорт ҳодисаларини 5 фоизга, пийёда ва велосипедчилар билан тўқнашувларни эса 12 фоизга камайтирар экан.

Мамлакатимизда қабул қилинган янги регламентда автомобилнинг тормоз ва руль бошқаруви, ёритиш

билы ойналарининг ёруғлик ўтказишига оид талаблар ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, ойналар 70 фоиз нурни ўткази олиши керак. Енгил автомобиль шина тишларининг минимал қалинлиги эса 1,6 миллиметр бўлиши лозим. Гилдиракларнинг тишлари емирилиб, силлиқ бўлиб қолганда уларни алмаштириш шарт. Чунки бундай носоз шиналардан автомобилнинг тормоз олиши қийинлашади ва тўхташи чорак баробарга кўзилади.

Белгиланган тартибга кўра юк машиналари йилда бир марта, йўловчи ташиш транспорти эса ҳар олти ойда техник кўрикдан ўтказилади. Агар транспорт регламент талабларига жавоб бермаса, улардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Айни вақтда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бизнес субъектлари, транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган бошқа ташкилотларни автотранспорт воситалари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган талаблардан хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг веб-сайтига «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламент матни ва уни амалда қўллаш шартларига оид шарҳлар жойлаштирилган. Соҳа вакиллари билан биргаликда техник регламентни амалда қўллаш масалалари бўйича семинарлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилмоқда.

«Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентдан хабардор бўлиш автотранспорт воситаларидан фойдаланишни ҳар томонлама тартибга солиш, юк ва йўловчи ташишда фуқароларнинг ҳаётини турли бахтсиз ҳодисалардан асрашда муҳим аҳамиятга эга.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

«МЕҲМОНЖОН» ЛАРДАН айланай...

БОЖЖОНА НАЗОРАТИ



Амалдаги тартибларга мувофиқ, юртимиздан чиқиб кетаётган хорижий фуқаролар кириш чоғида олиб кирган нақд хорижий валюталари миқдорига тенг валютани божжона баёнмасида қайд этган ҳолда олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Аммо, айрим «меҳмон»ларни бу меъёр «қониктирмаган» кўринади.

Яқинда «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божжона комплекси ходимлари томонидан хорижий фуқароларнинг нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб чиқиши билан боғлиқ бир неча қонунбузарлик ҳолатлари олди олинди.

Жумладан, Истамбулга отланган туркиялик В.Гумуш 1200 АҚШ долларини, Б.Акавер эса 2000 АҚШ долларини яширинча олиб чиқишга уринган пайтда тўхтаб қолинди.

Малайзиялик М.Жагиндар эса ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган 1700 АҚШ доллари ҳақида божжона баёнмасида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилишни «унутиб» қўйибди.

Хитойлик Х.Яннинг сумкасига бекитган 2200 АҚШ долларини олиб чиқишга уринишни рентген-назорат аппарати чиппака чиқарди. Унинг юртдоши Х.Палахатининг қилмишларига ҳам шу тариқа яқун ясалди. Натихада, у Пекинга 2400 АҚШ доллари сиз кетишга мажбур бўлди.

Ригага парвози олдида ирландиялик М.Мерининг ҳам-ёнига салкам 2800 АҚШ доллари ва 70 евро «оғирлик» қилди. Юртига йўл олган украиналик П.Олександр эса божжона кўриги пайтида сумкасида «пайдо» бўлиб қолган 3450 АҚШ долларини кўриб, «ёқасини ушлади».

Кўшни давлатга йўл олган корейлик С.Жун эса «иззати»ни бошқаларга нисбатан юқори «баҳолабди». Акс ҳолда, ноқонуний олиб чиқишга уринган 4600 АҚШ долларини деб божжоначилар қарши-сида ер чизмаган бўларди.

5800 АҚШ доллари, 2700

евро ва 1000 англия фунт-стерлингини божжона баёнмасида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилишни «маъқул» кўрмаган либериялик М.Деннис ҳам худди шундай ҳолатни бошидан кечирди.

Нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб чиқишга уринган пайтда тўхтаб қолган хорижий давлат фуқаролари одатда Ўзбекистон Республикасининг божжона қонунчилигини билмасликларини пеш қилиб, ўзларини оқлашга уринишади. Аммо, шу қаби қилмишларга қўл ураётган баъзи юртдошларимиз-чи? Улар ўз айбларини оқлаш учун қандай баҳоналарни рўқча қилишаркин?

Ваҳоланки, резидентларга фақатгина 2000 АҚШ доллари қийматидаги нақд хорижий валюталарни олиб чиқиш мумкинлиги, ундан ортиқчасини олиб чиқиш учун ваколатли банкларнинг рухсатномаси талаб этилиши ҳақидаги ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги эслатмаларни аэропорт залларидаги божжона баённомаларни тўлдириш устунларининг барчасида учратиш мумкин.

«Тошкент-Симферополь» йўналиши бўйича учиб кета-

қурилмалари, шина ва гилдиракларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган. Жумладан, автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи уни ишлаб чиқарувчи корхона билан келишмаган ҳолда автотранспорт воситасининг конструкциясига ўзгартириш киритиши, руль ва тормоз бошқарувида ҳамда бошқа таркибий қисмларда кўзда тутилган элементларни олиб ташлаши ёки янгисини ўрнатиши мумкин эмас. Шунингдек, регламентда автомо-

ётган андижонлик А.Мазалова 1205 АҚШ долларини, Дубайга отланган пойтахтлик Н.Илҳомжонов эса 3140 АҚШ долларини яширинча олиб чиқишга уринишган пайтда тўхтаб қолинди.

Дубайга йўл олган яна бир фуқаро — Х.Худойбергано-вининг божжоначилар кўзини шамғалат қилиб, 3730 АҚШ долларини рўмолига бекитган ҳолда олиб ўтиш «режа»си иш бермади.

Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи Л.Худякова эса ўзини устаси фаранг билиб, қадамни «катта» ташлади. Унинг оз эмас, кўп эмас 8700 АҚШ долларини белига бой-

лаб олган ҳолда олиб чиқишга уриниши ўз вақтида фош қилинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божжона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Тошкент-Аэро» ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 156 та қонунбузарлик ҳолатларида 431 миллион сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

«Тошкент-Аэро» ИБК
Ахборот хизмати


«БОРСА-КЕЛМАС» САЙЁРА

Нидерландиянинг «Mars One» фазовий лойиҳаси муаллифлари 2023 йилга бориб Марс сайёрасига одамларнинг кўчиб ўтиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.



Лойиҳа раҳбарларидан бири Бас Ланддорпнинг айтишича, айна пайтда Марсга йўл олишни хоҳловчилар учун чипталар сотувга чиқарилган. Аммо йўловчилар у ерга парвоз қилганидан сўнг қайтиб келиш имкониятига эга бўлмайди. Олимларнинг сўзларига кўра, Марсдан, ҳатто фазовий аппаратлар ҳам ҳозиргача қайтиб келмаган.

Лойиҳага кўра, 2023 йили парвозга дастлаб тўрт фазогир йўл олиши кутилмоқда. Марсдаги ўзгача экологик ҳолат тақозоси билан уларнинг нурланиши мумкин бўлган айрим органлари олиниб, сунъийсига алмаштирилади. 2023 йилга қадар эса ушбу сайёрага фазовий сайёҳлар учун алоҳида озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва қўшимча кислород, зарур техника ва технологиялар юборилади. Фазогирларни у ерга жўнатишдан кўзланган асосий мақсад, қизил сайёрада тадқиқот ва кузатиш ишларини амалга оширишдан иборат. Хабарларга қараганда, мазкур лойиҳа тафсилотлари мамлакатнинг маъсус фазовий телекўрсатуви орқали кузатиб борилади.



АНТИҚА ЯШИЛ МИНОРА


Милан марказида антиқа осмонўпар икки минора барпо этилмоқда. Сайёраишда биринчилардан бўлиб бунёд этилаётган ушбу минораларнинг ташқи фасади тўла дарахт билан қопланади.

«Вертикал ўрмон» номини олган бу икки минора италиялик меъмор Стефано Бозри томонидан лойиҳалаштирилган. Хабарларга қараганда, биноларнинг ҳар бир қаватида бўйи уч метрдан тўққиз метргача етадиган турли хилдаги дарахтлар экилади. Минораларнинг баландлиги бириники 105, иккинчисиники 78 метрни ташкил қилади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур биноларда турар-жойлар, ресторан, савдо ва соғломлаштириш марказлари бўлади.

Ташқи кўриниши ям-яшил ўрмонни эслатувчи бу минораларнинг қурилишига 65 миллион евро миқдорида маблағ сарфланади.

Ғарбий Онтарио университети мутахассислари тухум сарини инсон организмга тамаки маҳсулотлари етказадиган зарардан ҳам кучлироқ эканини таъкидламоқда.

ОҚИНИ ЕНГУ САРИҒИДАН ТИЙИЛИНГ



У қон томирларига кучли зиён етказиб, инфаркт ва инсульт ҳасталиklarини келтириб чиқарар экан. Текширувлар шуни кўрсатадики, тухум сарини мунтазам истеъмол қилган кишининг уйқу артериясида турли хилдаги тошмалар пайдо бўлади ва қон айланиши бузилади.

Шифокор Дэвид Спенсинг фикрича, тухум сарини таркибида кўп миқдорда ҳолестилин бор. Бу эса инсон саломатлиги учун жуда хавfli.

ЁҒСИЗ ШОКОЛАДЛАР

Уорик университети олимлари янги шоколад яратдилар. Энди ширинликни хуш кўрувчи кишилар истганларича шоколад истеъмол қилиши мумкин.

Боиси бу ажойиб ширинлик таркибидаги ёғ миқдори эллик фоизга камайтирилган. Ширинлик таркибига ёғ ва сувни бир-бирдан ажратувчи пикеринг эмульсияси қўшилади. Бундай усулда тайёрланган шоколад ўз хусусиятини йўқотмайди. Аксинча, у янада қаттиқ ва хуштаъм, энг асосийси фойдали ҳамдир. Маълумотларга кўра, барча бирдек севиб истеъмол қилувчи ушбу ширинлик таркибидаги флаваноллар миёда қон айланишини яхшилайди.



Қаноти йўқ — учади

Австралиялик кашфиётчи Кристофер Маллоу уча оладиган мотоцикл яратди. «Newbike» деб номланувчи бу қурилма 3000 метр баландликда соатига 160 километр тезликда уча олади.

Бошқарилиши жуда қулай ва осон мазкур учувчи-мотоциклга хавфсизликни таъминловчи қурилма ўрнатилган. Асли касби учувчи бўлган Маллоунинг бу ихтироси шаҳар йўлларидаги тирбандликка барҳам бериши мумкин.

Ўзига хос дизайнга эга бундай янги транспорт воситасининг оғирлиги 270 килограмм. Кашфиётчининг таъкидлашича, BMW двигатели ўрнатилган бу мотоцикл 45 дақиқа уча олиши мумкин.


«ЎРГИМЧАК ОДАМ»НИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

«Ўргимчак-одам» номи билан дунёга машҳур франциялик Ален Робер янги рекорд ўрнатди.



У Франция пойтахтининг Дефанс туманида жойлашган 231 метрли «Ферст» биносини ҳеч қандай хавфсизлик воситаларидан фойдаланмаган ҳолда забт этди. 49 ёшли спортчи бир соат ичида бино томига чиқиб олди.

Ален шу пайтгача саксон бешта осмонўпар бино чўққисини забт этган. Улар орасида Дубайдаги «Буржи Халифа», Нью-Йоркдаги «Эмпайр стейт билдинг», Париждаги «Эйфель» каби миноралар бор.



ЭНГ ТЕЗЮРАР ПОЕЗД

Хитойнинг «China Railway High-speed» компанияси поездлари дунёдаги энг тезюрар поездлар, деб топилди.

2007 йили ишга тушган ушбу поездлар Пекин, Харбин, Гуанчжоу ва Шанхай каби йирик шаҳарлар ўртасида ҳаракатланмоқда. Маълумотларга кўра, «China Railway High-speed» поездлари соатига 300 километр тезликкача бемалол чиқа олса-да, хавфсизлик ва аниқликни таъминлаш мақсадида 250 километр тезликда ҳаракатланади. Бу поездлар қулайлиги ва бошқарилиши жуда осонлиги билан ҳам ном қозонган.

БЕПАРВО ЖАРРОҒЛАР

Британиялик Келли Дониган хонимнинг танасида унутиб қолдирилган жарроҳлик игнаси унинг ҳомиладорлик даврида аниқланди.



Ҳомиладор аёл шифокорига қорнида турли хилдаги санчиклар ва огриклар безовта килаётганидан ёзгиради. Ҳомиладорлик вақтида бундай огриклар табиий ҳоллигини таъкидлаган шифокор уни тинчлантиради. Бироқ бир неча ҳафтадан сўнг Келли танасининг қорин қисмида жарроҳлик игнасининг сиртга чиқиб турганини кўриб, саро-симага тушади.

Маълумотларга кўра, аёл бир неча йил аввал жарроҳлик операциясини бошидан ўтказган. Уша вақтда ўз ишига бепарво жарроҳлар игнани унутиб қолдирган. Дитишларича, бу ҳолат бола ривожланишига ҳеч қандай таъсир қилмаган. Игна эса тугруқ жараёнидан сўнг олиб ташланади.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 26 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.08.2006 йилдаги ПҚ-458-сонли қарорига мувофиқ ЖИБ Учқўрғон тумани судининг 20.03.2012 йилдаги 1751-сонли ижро варақасига асосан суд ижрочилари Норин тумани бўлими томонидан хатланган, Норин тумани «Одина Ҳақима Жасур» ХФда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1980 йилда и/ч "М-412" русумли, д/р 16 А 8563, бошланғич баҳоси 741 000 сўм; 1974 йилда и/ч "ВАЗ-2101" русумли, д/р 50 С 467 СА, бошланғич баҳоси 1 869 000 сўм.

Мазкур куни сотилмаган тақдирда тақрорий аукцион савдолари 2012 йил 3 октябрь куни соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

2012 йил 26 сентябрь куни соат 14:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Вазирлар

Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Наманган шаҳар, Маҳмуд Таробий кўчаси, 21а-уйда жойлашган Виллот "Давуругназорат-маркази"га қарашли "ИЖ-2715011" русумли, д/р 16 АЛ 098 бўлган автотранспорт воситаси 364 058 сўм бошланғич баҳода кўйилмоқда.

Мазкур куни сотилмаган тақдирда тақрорий аукцион савдолари 2012 йил 3 октябрь куни соат 14:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар Виллот давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғри-

сидаги келишув»га асосан 458-сонли қарор бўйича автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) ҳамда 343-сонли қарор бўйича автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Universal Auktсион Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Аукцион савдосига кўйилган автотранспорт воситалари билан жойга чиқиб танишиш мумкин.

Тел/факс: (8 369) 226-41-66.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАВОЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 26 сентябрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Суд Департаментининг Нурота тумани бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилди:

12.04.2012 йилдаги 09-260/12 сонли ижро варақасига асосан Ж.Давлонова тегишли, 2010 йилда и/ч "Нексия" русумли, д/р 85 Е 464 ВА, ранги оқ, бошланғич баҳоси 14 068 094 сўм; 12.04.2012 йилдаги 09-261/12 сонли ижро варақасига асосан "Нормат Юлдаш" хусусий корхонасига тегишли, 2010 йилда и/ч "Нексия" русумли, д/р 85 Е 588 FAA, ранги оқ, бошланғич баҳоси 14 120 542 сўм; 12.04.2012 йилдаги 09-262/12 сонли ижро варақасига асосан Н.Арзикуловага тегишли, 2005 йилда и/ч "Нексия" русумли, д/р 85 С 502 АА, ранги оқ, бошланғич баҳоси 6 232 914 сўм; 12.04.2012 йилдаги 09-263/12 сонли ижро варақасига асосан О.Йулдошевага тегишли, 1980 йилда и/ч "ВАЗ-2105" русумли, д/р 85 Х 807 АА, ранги яшил, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 1 154 392 сўм; 12.04.2012 йилдаги 09-264/12 сон-

ли ижро варақасига асосан А.Юлдашевга тегишли, "Нива" русумли, д/р 85 Х 748 АА, ранги жигарранг, техник носоз, бошланғич баҳоси 542 227 сўм; Нурота тумани ИИБнинг 17.07.2012 йилдаги 18/3109-сонли хатига асосан Х.Сафаровага тегишли "Тико" русумли, давлат рақамисиз, ранги оқ, техник носоз, бошланғич баҳоси 7 241 492 сўм.

Суд Департаментининг Навоий шаҳар бўлими томонидан хатланган 21.10.2011 йилдаги ижро варақасига асосан Ф.Умаровга тегишли, "ВАЗ-21033 СНГ" русумли д/р 85 W 088 АА, ранги оқ, техник носоз, бошланғич баҳоси 1 771 407 сўм.

Мазкур 2012 йил 26 сентябрдаги савдодо сотилмаган тақдирда тақрорий аукцион савдоси 3, 10-октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Навоий шаҳар, П.Очилов

кўчаси, 23-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида объект номини, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Universal Auktсион Invest" МЧЖ Навоий вилояти филиалининг Навоий шаҳар «Ипак йўли» банкидаги МФО: 00199, ИНН: 302083379, 2020 8000 4049 3216 8016 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Ушбу мулклар билан туман (шаҳар) Суд ижрочилари билан жойига бориб танишиш мумкин.

Тел.: (+99893) 437-65-39

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

СИРДАРÉ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 31 июль куни бўлиб ўтган очик аукцион савдоларида Гулистон шаҳар "Нарцис сервис савдо" хусусий фирмаси омондориди сақланаётган, Оқолтин тумани СИБ балансидаги:

1981 йилда и/ч "КАМАЗ-5410" русумли, д/р 14 АЕ 005, бошланғич баҳоси 14 024 137 сўм бўлган автотранспорт воситаси 14 865 585 сўмга сотилди; 1987 йилда и/ч "ОДА3-9370" русумли, д/р 14 А 417, бошланғич баҳоси 5 235 678 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 549 810 сўмга сотилди; 1981 йилда и/ч "КАМАЗ-53212" русумли, д/р Х 361 УУМ, бошланғич баҳоси 22 698 326 сўм бўлган автотранспорт воситаси 24 060 226 сўмга сотилди.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ИДОРА

2012 йил 3 август куни бўлиб ўтган очик аукцион савдоларида Тошкент шаҳар, Себзор даҳаси, Марказ-17, 18-уйда жойлашган Давлат алоқа инспекцияси балансидаги:

2001 йилда и/ч "Тико" русумли, д/р 40 797 ЕАА, бошланғич баҳоси 1 869 462 сўм бўлган автотранспорт воситаси 2 700 000 сўмга сотилди; 2001 йилда и/ч "Тико" русумли, д/р 20 886 ВВА, бошланғич баҳоси 1 546 698 сўм бўлган автотранспорт воситаси 2 800 000 сўмга сотилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 10 август куни бўлиб ўтган очик аукцион савдоларида Урганч шаҳрида жойлашган "Қишлоқхўжаликкимё" ХАЖ Урганч тумани филиалига қарашли 1988 йилда и/ч "ЗИЛ ММ3-45021" русумли, д/р 22 АД 767, бошланғич баҳоси 5 116 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 888 000 сўмга сотилди.

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 15 август куни бўлиб ўтган очик аукцион савдоларида Кува тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, Кува тумани СИБ балансидаги:

1999 йилда и/ч "Тико" русумли, д/р 15 У 20 41, бошланғич баҳоси 8 582 875 сўм бўлган автотранспорт воситаси 9 890 000 сўмга сотилди; 2010 йилда и/ч "ISUZU" русумли, д/р 40 А 740 ВА, бошланғич баҳоси 38 250 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 44 045 000 сўмга сотилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 15 август куни бўлиб ўтган очик аукцион савдоларида Улугнор тумани ИИБ ИХХГ жарима майдончасида сақланаётган, Улугнор тумани СИБ балансидаги 1990 йилда и/ч "М-412" русумли, д/р 17 Л 99 16, бошланғич баҳоси 701 850 сўм бўлган автотранспорт воситаси 920 000 сўмга сотилди.

Гувоҳнома № 004059

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШОТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Наманган шаҳри 6 кичик туманда кўп қаватли 48 хонадонли уй-жой қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 3 465 696 732 сўм, ҚҚСсиз 2 888 080 610 сўм.

Баҳарши мuddати – 11 ой.

2. Наманган шаҳри Бобуршоҳ кўчасидаги ётоқхонани 72 хонадонга қайта қуриб уй-жойга мослаштириши.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 3 642 812 559 сўм, ҚҚСсиз 3 035 677 133 сўм.

Баҳарши мuddати – 2012 йил 25 декабрь.

3. Наманган шаҳри Даштбоб МФЙдаги 3 қаватли бинони уй-жойга мослаштириши.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 1 267 150 349 сўм, ҚҚСсиз 1 055 958 624 сўм.

Баҳарши мuddати – 2012 йил 25 декабрь.

Буюртмачи: Наманган шаҳри А.Темир кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг яғона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Тел.: (8-369) 226-22-60.

Факс: 233-06-11.

Лойҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги "Еш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 124 сонли қарорига асосан банкнинг "Ипотека" кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки қўрастиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни баҳарши учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига,

